



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 31 март сешанба
Сотувда эркин нархда № 66 (1847)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MA'KAMASINING GAZETASI

АНҚАРАДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

26 март куни Туркия Жумҳуриятининг пойтахти Анкарадаги Расм ва ҳайкал музейида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг турк тилида чоп этилган «Ислохотлар ва барқарорлик» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мустафо Камол Отатурк ташаббуси билан қурилган маъмур муҳташам бинода таъриқли давлат ва жамоат арбоблари, хоржий дипломатлар, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган турк ишбилармонлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлишди.

Туркия фуқаролари Ўзбекистонда амалда оширилган ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда руй бераётган илғор ўзгаришларни катта қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибди. Утган йил ноябрь ойида Исрол Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўёғасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг туркча нашри худди шу бинода кенг жамоатчиликка таништирилган эди. Киска вақт ичида Ўзбекистон раҳбарининг иккинчи китоби чоп этилиши ана шу қизиқишнинг ўзига хос ифодасидир.

Мухтарам қарлошим Исрол Каримов бошчилигида амалда оширилган иқтисодий, айнама, мамнуи этмоқда. Тақдимот маросимини Ўзбекистон Республикасининг Туркия Жумҳуриясидаги Факултетада ва Мухтор элчиси Умарали Худойбердиев қисқача кириш нутқи билан очди. У йилганларга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўзлаб берди ва Ўзбекистон раҳбарининг китобини турк тилида нашрга тайёрлаган ўзбек-турк лицейлари бош мудирлигига миннатдорчилик изҳор этди.

Туркия давлат вазири Аҳад Андижон ўз маърузасида бу нашр икки дўст ва қардош ўлка ҳаётида муҳим воқеа бўлганини айтиб, Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни кучайтириш, минтақавий тинчлик ва оқолишга қўлдош бўлишига, мамлакатда иқтисодий ислохотларни қатъият билан амалга ошириш борасидаги фаолиятига юксак баҳо берди.

Ўзбек-турк лицейлари бош мудир Исрол Каримовнинг «Ислохотлар ва барқарорлик» китобинида Ўзбекистон мустақиллик йилларида босиб ўтган йўл босқичлари ёрқин акс этганлигини таъкидлаб, айна пайтда ҳам у ҳаракат дастури эканлигини, мамлакатдаги тинчлик ва оқолишга қўлдош бўлишига, мамлакатда иқтисодий ислохотларни қатъият билан амалга ошириш борасидаги фаолиятига юксак баҳо берди.

римиининг мураккаб муаммоларини идрок этишда маъмур китобининг аҳамияти хусусида тўхталиб, бундан олдин у Германия, Англия ва Россияда чоп этилганини эслаб ўтди. Асарнинг туркча нашри икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдириди.

Шу кун Туркия Президенти Сулаймон Демирел Исрол Каримовнинг «Ислохотлар ва барқарорлик» китобини тақдимот маросимига келган Ўзбекистон ҳайъатини Чанқая қароргоҳида қабул қилди.

Хайъат бошлиғи, Ўзбекистон Президентининг ёрдамчиси Мурод Муҳаммад Дўст Туркия раҳбарига Исрол Каримовнинг самийи саломини ва энг эзгу тилақларини топширди ҳамда турк тилида чоп этилган «Ислохотлар ва барқарорлик» китобини тақдим этди.

Сўхбат чоғида С. Демирел икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар истиқболли хусусида тўхтади.

Ўзбекистон Исрол Каримов раҳбарлигида катта йўлни босиб ўтди, — деди у. — Бутунги кунда табиий бойликлар, ақоли нуфузи жиҳатдан ўлканинг Марказий Осиёдаги энг қулатли давлатдир. Минтақалаги сиёсий барқарорлик учун ҳам масъул мамлакат. Биз ҳаммисиз билан биргача ва сиёсий иқтисодий ислохотларни амалда оширишдаги муваффақиятларингиз бизни беҳад қувонтиради.

«АГАМА» БЕЛГИСИ БИЛАН

Мамлакатимизда фаолият юртаётган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида «Агама» фирмасининг алоҳида ўрни бор. Чунки бош корхонаси Зарафшон шаҳрида фаолият юртаётган фирманинг Тошкент, Навоий, Учқудуқ каби шаҳарларда жами 10 та филиали бўлиб, уларда тайёрланган кийим-бошлар нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ давлатлари, шунингдек, Хитой, Куба сингари узок хоржий юртларда ҳам харидоригр ҳисобланади.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг Тошкент филиали (юқорида) цехларидан бирида; тўқувчи Гулбахор Маҳмуджонова. Тўлқинбек КАРИМОВ олган суратлар.



БИРДИР ЭЛИМИЗНИНГ НАСАБИ НОМИ

Қадим Туркистон халқларининг тобора мустақамлашган бораётган дўстлиги ва ҳамкорлиги дилларимизга қувонч олиб кирмоқда. Кунин-кунини пойтхатимизда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ўртасидаги Давлатлараро Кенгаш мажлиси абадий дўстлик ва мустақам ҳамкорлик йўлидан, бораётган мамлакатларимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Яна бир муҳим воқеа — Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ўртасида имзоланган Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистон Республикасининг қўлини қўйди. Шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон давлат раҳбарлари ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартноманинг очилганини яна бир бор таъкидлаб, Туркманистоннинг ҳам бу Шарт-

номада ўзига мақбул тарзда иштирок этишига тарафдор эканлигини таъкидлади. Президентлар мамлакатларимиз иқтисодий ҳаётининг муҳим бўлинишига дахлдор — халқаро консорциумлар тузиш, қимматбаҳо қозғолар бозорини шакллантиришнинг принциплари, БМТнинг Марказий Осиё иқтисодий ҳаётига дахлдор асосу (СПЕКА) фаолиятини ва умуман минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш сингари қўллаб масалаларни муҳокама қилишди.

Музокаралар якунида имзоланган қўллаб ҳужжатлар Марказий Осиёнинг барча халқлари манфаатларига бирдек хизмат қилади. Айниқса, Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги

Баёниш халқларимизнинг тарихий ва маданий муштараклиги, умумий иқтисодий макон яратиш ва Марказий Осиёда хавфсизлик ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Хар бир ишда улғувор мақсадларни қўлаб инги асрга дадил қдам қўётган мамлакатимиз — Марказий Осиё ҳамдўстлигининг ташаббускори ва иштирокчиси сифатида минтақа халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини юқори поғоналарга кўтаришга доимо интилиб келмоқда. Давлатлараро Кенгашнинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлиси ва имзоланган тарихий ҳужжатлар ана шундай самийи ва дўстона руҳи яна бир бор таъкидлади.

Жалолиддин САФОВ, «Жалқ сўзи» шарҳловчиси.

«ОИЛА КОДЕКСИ» МУҲОКАМАДА МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Оила шарқда қадим-қадимдан муқаддас даргоҳ саналган. У соғлом, мустақам ва ҳамжиҳат бўлса, юрт, жамият аҳил яшайди, мамлакатда оқолишга қарор топади.

Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши ва унинг барча фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланганлиги ҳам жамиятимиздаги аҳиллик ва бирдамликдан нишондир.

Лойиҳада амалдаги кодексда учрамайдиган яна бир янги тушунча ўрин олган. У «Никоҳ шартномасидир».

Лойиҳанин яна бир жиҳати амалдаги кодексда никоҳланувчиларнинг тебиий қўриқдан ўтишлари назарда тутилган эди. Янги кодекс лойиҳасида никоҳдан ўтишни истовчилар ўз розиликлари билан тебиий қўриқдан ўтишлари ва бир-бирларининг соғлиқларидан хабардор бўлишлари мумкинлиги акс эттирилган.

Лойиҳада эр-хотин ҳамда оила аъзоларининг мулкий ва ҳуқуқий мажбуриятлари Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда атрофда ишлаб чиқилган. Чунки, суд ажралиш тўғрисида келиб тушган аризалар ҳақида лозим ҳолларда хотин-қизлар ва маҳалла кўмиталарига мурожаат қилиб, уларни яраштириш чораларини кўриши ҳамда бундан суларнинг бохабар бўлиб туриш талаблари алоҳида акс эттирилган. Амалдаги Қонунга қўра, ажралиш факти ФХДЭ идораларида қайд қилиниб, тегишли гувоҳнома олинмагунча, никоҳ бекор қилинган ҳисобланади. Бу ҳол суъний равишда турли хил низо ва ҳуқуқий муаммоларни тудирарди.

Лойиҳада бу масала узил-кесил ҳал қилинган, яъни суднинг никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан бошлаб, никоҳ бекор бўлган, деб ҳисобланади. Суднинг ҳал қилув қарори никоҳдан ажраганлик ҳақидаги гувоҳномага тенглаштирилади. Бу эса фуқароларни суддан кейинларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жағмағарма, Миллий матбуот клуби, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташкил этилиши оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мақсад ва вазифалари ҳамда қўламини белгилаб берди.

(Давоми 3-бетда).

Унда, энг муҳими, оила...

Масъум ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISIDA

30 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI KENGAшининг ҚАРОРИ

БИРИНЧИ ЧАКИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАКИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ: Биринчи чакориқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 1998 йил 30 апрель куни Тошкент шаҳрида чакорилсин.

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
- 2. Қишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
- 3. Фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
- 4. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
- 5. Давлат ер кадастри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
- 6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
- 7. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
- 8. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
- 9. Гаров тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янгича ўқишда).
- 10. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янгича ўқишда).
- 11. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янгича ўқишда).
- 12. «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида.
- 13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисида.
- 14. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколат доирасидаги бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

МУНОСАБАТ ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Сир эмас, қай биримиз қайси театр ёнгинасидан ўтиб қолсақ, беихтиёр «афшаш деворига нигоҳ ташлашимиз. Янги асар номини ўқисак, бир-биримиздан сўраб қоламиз: «Қандай экан, кўрса бўладими? Негатир томошабинлар камчил. Енгилроқ шекилли...»

Биринчи томошабинлар камчил. Охири мана, қуруқ ва зўрмачураки фильмлардан одамлар беизди. Барбир тан олиш керак, хар қандай замонда ҳам неча минг-минг йиллик анъаналарни, халқона томошаларни ўзида муҳасам этган ТЕАТР барча миллат ва элларнинг юзи ҳамда қиёфасини акс эттираверади.

Энг қувончлини, кеча мамлакатимиз театр санъати ҳаётида катта воқеа руй берди. Президентимизнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисидаги Фармон» эълон қилингани — юртимизда маънавият ва маърифатнинг юксалиши сари яна бир қдам ташланганлигини исботлайди. Чунки театр санъати ўзининг ўнлаб асрлик бой меросларини асраб-авайлаб келаётган энг ноқир санъат ҳисобланади. Унда миллий ўзлик ҳамда асрий қадриятлар сақланиб келинади. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида театр санъати фуқароларини ўз миллий ва умумбашарий қадриятларини эълоллаш, ҳурмат қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу маънода мустақил Ўзбекистонда ҳам театр санъатига бўлган бундай дунёвий муносабатнинг, эътиборнинг пайдо бўлиши, энг аввало, халқимизнинг миллий ўзлигини англашида фонт катта аҳамиятга эгадир.

НИГОХ

КУТИЛМАГАН ИСТЕЪФО

Президент Борис Николаевич Ельцин 23 март кuni Россия хукуматининг истеъфога чиқариш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Хукумат бошлиғи В. Черномирдин, унинг биринчи ўринбосари А. Чубайс, ички ишлар вазири А. Куликовларни истеъфога чиқарди.

Бу — кутилмаган воқеа эди. Чунки бундан бироз вақт илгари Ельцин Черномирдин билан бўлган суҳбатда, умуман хукумат олиб бораётган ишлардан мамнун эканлигини, шахсан Виктор Степановичнинг ўзининг энг ишончли сафдоши деб ҳисоблашини айтган эди. Чубайс масаласига келсак, аввалги Президент унга қаттиқ меҳр кўйди, ишонди, Давлат машинасининг энг муҳим ричагларини унга топширди кўйди. Лекин унинг кўп ишлардаги камчилиги, айниқса, Чубайс ва унинг командасининг «ёзувчилик» фаолияти ва унинг орқасидан қафсдек китоби учун ақл бовар қилмас қалам ҳақи олгани ошкор бўлган, ундан ҳафсаласи пир бўлганди. Шунда ҳамма Чубайсининг истеъфосини талаб қилганда, «Чубайсини сизларга бермайман» дея саклаб қолганди. Яқинда эса яна «2000 йилгача унга ҳеч ким тегмайди» деганди. А. Куликов масаласига келсак, генералнинг жиноятчиликни камайтириш тўғрисидаги бандларнинг рапортидан ҳар нечк Президент қорни ҳосил қилиб юрганди. Хуллас, ҳеч ким бундай шов-шувли истеъфонини умуман ва хусусан айна кезларда юз беришини кутмаган эди.

Хўш унда бу нима, сиёсий ўйинми, ё олдиндан ўйлаб амалга оширилган зарурий тадбирми? Бу, энг аввало, Ельцинга хос, унинг кадрлар сиёсатига хос сай-ҳаракатидир. Мана бир ҳафтадирки, дунёнинг сиёсатшунослари, шарҳловчилари,

башоратчиларидан тортиб, оддий одамларигача оғзида шу гап. Кимлардир вазирига ҳолис, моҳияти соғлом назар билан қарашга интилади, кўпчилик истеъзолни тахминлар қилишмоқда. Гарчи Борис Николаевич 2000 йилги президентлик сайловида тайёргарлик кўришни вақт қилиб Черномирдин истеъфосини изоҳлаган бўлса-да, кўплар ана шу сайлов олдиндан Ельцин энг кучли номзодлардан бирини ўйиндан чиқармоқчи бўлди, дейишмоқда. Бошқа бир тахминга кўра, Черномирдин ва Куликов ўзаро келишиб, Президентнинг тез-тез касалланиши туфайли изидан чиқаётган иқтисодни ўнглаш учун кескин чоралар кўришга ахдлашгани рўқча қилинмоқда. Яна бир маълумотда Черномирдин қадрдон «Газпром»да ўзининг сайловолди штабини тузганлиги бу истеъфога бош сабаб бўлди дейилади. Тахминлар кўп, улар орасида жўялилари ҳам, умуман ҳеч қурақда турмайдиганлари ҳам бор. Лекин нима бўлганда ҳам бу истеъфолар, факт ва улар билан ҳисоблашиш керак бўлади.

Президентнинг фармонида кўра, Сергей Кириенко Бош вазир вазифасини бажарувчи этиб таъинланди, унга янги хукуматни шакллантириш ҳам топширилди. Ҳамма ким энди Бош вазир бўларкин деб тахминлар қила бошларди. Рўйхатда Явлинский, Строев, Луцков, Немцов, яна кўплар бор эди. Лекин орадан тўрт кун ўтиб, Ельциннинг ўзи бу башоратчиларнинг оғирини енгил қилди. У давлат Думасидан Кириенко номзодини ортиқча хархашаларсиз тасдиқлашни сўради. Акс ҳолда, агар Дума бу номзодни урт мартага тасдиқламаса, Думанинг ўзини баҳридан ўтиб юборишини жуда кескин қилиб қўйди. 3 апрель кuni у Дума муҳокамасига киритилди.

Хўш, Кириенко ким ўзи? У 36 ёшда. Бундан атиги 1 йил бурун у Нижний Новгороддаги кичкинагина «Норси-Ойл» нефть ком-

панияси президенти эди. «Нижнийлик» Борис Немцов Бош вазирнинг 1-ўринбосари этиб тайинланган Москвага келган, кўп ўтмай ўз одамларини йиға бошлади. Улар орасида С. Кириенко ҳам бор эди. Кичкина нефть компаниясининг президенти бирданга енгил ва энергетика вазири 1-ўринбосари лавозимини эгаллаши кутилмаган воқеа бўлди. Ҳеч қанча вақт ўтмай вазир курсисини эгаллади. Ярим йил ҳам ўтмай мана бу янгилик. Гап шундаки, яқинда Борис Николаевич мамлакатда солиқ йиғишини мартгача бўлган аҳолининг ўрганиб бевозталанган эди. Режалаштирилган микдорнинг олтидан бири йиғилган эди, ҳолос. Бюджет идораларига маош бериш учун пул йўқ. Борис Николаевич Черномирдинни чақириб, унинг тасарруфидоги «Газпром» ҳисобидан 1 миллиард доллар микдоридоги маблағни олиб маош учун ишлатиб туришни топширди. Лекин Виктор Степанович ўзига яқин «Газпром»дан бунча пул олишни эп кўрмади. Бу ишни албатта, яна ўша Немцов тасвясига билан С. Кириенко удалашга сўз берди. Илгари бир гап юзага чиққунча 40 йил кетса, «подшо»нинг гапи (Борис Николаевичнинг шундай аташади) 40 кунга ҳам қолмай амалга ошиб турибди.

Хозир икки тоифа журналистлар десанти Нижний Новгород томонга ташланди. Биринчи тоифа С. Кириенконинг ҳаёти, ишлари, ютуқлари орқали у чиндан ҳам шу лавозимга муносиблигини исботлаш режасида. Иккинчи гуруҳ унга қарши «компрат» йиғиши пайида. Баъзи мухбирлар у ўқиган Сочидоги 7-мактабда бўлишига ҳам улгурди. Бу мактабни 1979 йил Серёжа Кириенко тамомлаган (дарвоқе Б. Немцов ҳам шу мактабда таҳсил олган). Синф раҳбари Тамара Пуртуцканинг айтишича, у мактабнинг фахри бўлган. Хуллас, истеъфо ҳақида ҳар қанча гапирш ундан ўзлаб хил сабаблар,

оқибатлар, тахминлар ахтариш ва топиш мумкин. Шуларнинг қай бири тўғри эканлигини вақт кўрсатади.

Лекин бир масалада Борис Николаевич ҳақ. У ҳам бўлса Россияда иқтисодий ислохотларнинг кетиши суст. Махсулот ишлаб чиқариш суръатлари ўсмаяпти. Меҳнат унумдорлиги пастлигича қолмоқда. Аҳолининг турмуш даражасида ўзгариш бўлмапти. Энг даҳшатлиси — иш ҳақи, нафақа ва ижтимоий химоя турлари ўз вақтида берилмаяпти. Иш ҳақи бўйича хукуматнинг халқ олдидаги қарзи йил бошидаёқ янги Россия пули бўйича 7 миллиард рублдан ортиб кетди. Аҳвол янада ёмонлашиб кетилмоқда. Нефтни қайтариш қўйиштириш кўзда тутилмоқда. Ваҳоланки, бу маблағнинг учдан икки қисмигина маҳаллий ва Федерал бюджет камомадини қоплаши мумкин эди. Демак, шахтёрларнинг иш ташлашлари яна давом этади. Ёпик мактаблар ёпиклигича қолаверади. Ҳукуматнинг митинг қилаверади. Шифокорлар маошсиз ўтираверади. Утган йили иш ташлашларнинг кўплиги бўйича Россия дунёда биринчи ўринни эгаллади. Бундай натижа билан эса кубониб бўлмайди.

Россиядаги бу воқеалар айна Наврўз кунлари рўй берди. Юртимизда байрам шодийналари, тантаналари, ўйин-кулги, ош-сумалак, ҳалим, кексалар давра турида, ногиронлар ардоқда, ногорларга хайр-эҳсонлар қилинмоқда. Ойнаи жаҳон орқали бу лавҳаларни кўриб бўлган, Москвадаги ҳолатлар кишини ўйлантиради. Юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, ишчанликдан хурсанд бўласан. Ислохотларнинг юзага чиқаётганидан, қийинчиликлар бирмунча ортада қолаётганидан кўнгли кўтарилди. Зеро, қаердаки, оқил сиёсат юргизилса, қаердаки юрт катталари мамлакат тинчлиги, равнақи, эл ғамини еса, табиийки, худди шундай бўлади.

Аҳрор АҲМЕДОВ.

Аҳмад-ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллигига



МУНОСИБ ТЎЁНА

Қомусий ақл эгаси, фалакиётшуносликда буюқ кашфиётлар қилган олим, ўлмас асарлари ҳали-ҳамон ақлларни дол қолдираётган буюқ аллома бобокалонимиз Аҳмад-ал-Фаргонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйи тантаналари тобора яқинлашмоқда. Юртимизда бу байрамга катта тайёргарлик қўрилмоқда. Аҳмад-ал-Фаргоний номидаги жағгарма ташкил этилди. Бу маблаг Фаргона ва Қува шаҳарларидаги меъморий обидаларни таъмирлаш, бог ва хибронларни барпо этиш ҳамда кўчаларни таъмирлаш каби талбирларга ишлатилмоқда.

Айниқса, Фаргона шаҳрида буюқ ал-

ломанинг таваллуд тўйига катта тайёргарлик қўрилмоқда. Жумладан, Фаргона политехника институти илмий кенгаши «Аҳмад-ал-Фаргоний стипендиясини таъсис этиди. Фаргона вилоят ҳокимлиги Аҳмад-ал-Фаргонийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини театрлаштирилган мусиқавий композицияларда ифода этадиган асарларга кўрик-танлов ўтказилишини эълон қилди.

Айниқса, Фаргона шаҳридаги Аҳмад-ал-Фаргоний номидаги истироҳат боғида иш қизган тус олмақда. Бу ерда қўрилиш ташкилотлари, хусусий фирма ва корхоналар бунёкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Қўрилатган бу чора-тадбирлар халқи-

Фоторепортаж




мизнинг буюқ алломага бўлган ҳурмат ва эҳтирмининг рамзи — 1200 йиллик таваллуд тўйига ҳозирланган бир гулдас-тадбир.

М. ЙЎЛДОШЕВА.

СУРАТЛАРДА: вилоят бош меъмори Анвар Шокиров Аҳмад-ал-Фаргоний номидаги истироҳат боғида иш олиб бораётган 51-йил таъмирлаш-қуриш бошқармаси муҳандиси Шухрат Саидов, «Фаргонасувлояҳ» институти муҳандиси Бранислав Ким, меъмтор Баҳор Эркабоев ҳамда муҳандис Бахтиёр Исомиддиновлар билан; саноят қуриши-монтаж бошқармаси ишчиси Тождиддин Ғофуров; қурувчи Мухторжон Қуватов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда Агроекат мажмуи қасаба уюшмаси марказий қўмитасининг республика, вилоят, туман ва шаҳар қасаба уюшмалари раислари иштирокидаги семинари ақуланди. Унда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотлар тобора жадаллаштирилатган ҳозирги даврда агроекат мажмуи қасаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди. Қасаба уюшмалари фаолиятини тақомиллаштириш, қишлоқ меҳнатқиларни маънавий химоя қилишни кўчатириш, меҳнат муҳофазасини яхшилаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

П.НИШОНОВ, ЎЗА мухбири.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

«ҚОРА ТАХТА»ГА ТУШМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Эсингизда бўлса, мухтарам газетхон, «Халқ сўзи»нинг шу йил 26 февраль сонида «Бозорда тартиб, сотувчида иймон бўлса...» сарлавҳали мақола босилганди.

Унда бозорларимиздаги баъзи нопок қимсаларнинг турли хийла-найранг билан харидорларга хиёнат қилаётганликлари тўғрисида сўз юритилиб, гирромлик иснод бўлмағи қолдим, биронинг ҳақидан қўрқмаслик, уялмаслик, безбетлик қачондан бери хўнар саналадиган бўлиб қолди, деган савол ўртага ташланганди. Ана шу миллатимизга, халқимизнинг кўп асрлик тамойилларига тўғри келмайдиган иснод ишларни жилла курс қамайтириш йўллари ҳақида мулоҳаза билдирилди, савдо соҳасининг катта-ў кичик мутасадди раҳбарлари бу ҳақда дўппини олиб қўйиб, бир ўйлаб кўрсанлар, деган ният билдирилганди. «Қўрамыз, ким, қайси савдо тармоғи, қайси бозор раҳбари яхшилик, поклик ва ҳалоллик тарафдори экан, — дейилганди мақола ақулди. — Шунда қараб маъзур мавзуга маъзур мулдат ўтгандан сўнг қайтсак, ... бу сафар яхши ният билан яхши ишлар ҳақида ёзсак».

Республикамизда маъзур мақола юзасидан Тошкент шаҳар лехқон, буюм бозорлари ва ярмаркалари ақшидорлик жамиятлари уюшмаси ходимлари биринчи бўлиб ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборганликлари таҳсинга сазовор. Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи жаҳон Н. Шокиров имзо чеккан мақтубда таъкидлангандай, «Бозорда тартиб, сотувчида иймон бўлса» мақоласи «Ташбозорсавдо» уюшмасида бозорлар ҳиссадорлик жамиятлари бошқарувчилари иштирокида ўтказилган мажлисда атрафлича ўрганиб чиқилган. Унда тилга олинган камчиликлар ҳақиқатдан ҳам бозорларимизда мавжуд эканлиги эътироф этилган.

Ғирромлик, биронинг ҳақидан қўрқмаслик, безбетлик, алдамчилик — бозорларимизда тиркичилик қилиб, рўзгор тебратаятган айрим шахсларга хос иллат бўлиб қолди. Шундай нопок шахсларга қарши кураш барча бозорларимизда тегишли на-

зар юзига тик қарай, ер чизиб қолмай десангиз, касбдошларингиз ўртасида, бозор-ўчардагилар олдида обрўйим тўқилмасин, бўйиним ҳам бўлмасин, кўпчилик олдида изза бўлмай десангиз, беш қўлни оғизга сўқмоқдан ўзингизни тийинг. Уша «назорат тарозилари», назаримизда, биринчи навбатда тўшт бозориди ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Сўнгра қуруқ ва ҳўл мевалар сотиладиган расталар қўйилса, дуруст бўлса керак.

Яхши тадбирлар белгила-нибди, бундан қониқиб ҳосил қилдик. Лекин тадбирни режалаштириш иш-ини бошланишидир, ҳалос. Агарда қатъийлилик қўрсатилмаса, ташкилотчилик ва талабқилиб бўлмаса, назорат ўрнатилмаса, ният, ҳар қанча яхши бўлмасин, ниятличига қўлиб кетаверади. Иччиллик ва яна бир бор иччиллик кўрсатмоқ талаб этилади.

Қани кўрайликчи, бошқалардан яна қандай янги гаплар, фойдали тақдирлар қиқиб қоларкин. Биз кута-ямиз, бу борада — бозорларда поклик ва ҳалоллик ўрнатилди республикамизнинг бошқа шаҳарларида, туманларида қандай тадбирлар қўрилатганини. Кўпдан кўён қочиб қўтилмас, деган сўз бекорга айтилмаган. Чин дилдан, ичлос билан енг ишларини ишнинг самараси, албатта, бўлғай.

Ҳар бир нарсанинг ҳақиқий баҳосини вақт, ҳаёт беради. Қани, кўрайликчи, сизлар белгиланган тадбирлар, яхши ният ила режалаштирган чоралар натижа-си қандай бўларкин. Умидимиз шуки, шояд ниятларимиз амалга ошад, тадбирлар сизу биз кутган натижаларни бера, ўша баъзи нопок қимсаларда ҳам иснод-диёнат ва иймон эл-ғонса. Шундай бўлса, ўз ишончини оқлаган бўламиз, қилинган савоб ишдан кўнглимиз таскин топажак. Иншоолоҳ!

Исмом СУЛАЙМОНОВ, «Халқ сўзи» газетаси таҳририяти хатлов, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлимининг муҳаррири.

Яқинда жаҳонга машҳур «Мерк» доринуослик компаниясининг Шарқий Европу ва МДХ давлатларидаги ваколатхонаси раҳбари Михаил Бартос ҳамда шу компаниянинг МДХ давлатларидаги иш бажарувчиси Райнер Оттонинг республикамиз пойтахтига ташрифлари бошқа муҳим воқеалар сонисиде қандайдир даражада қолиб, айтарли кўзга ташланмади. Холбуки, бундай халқара фирма наомандоларининг у ёки бу мамлакатга сафарлари ўзи билан, албатта, улкан мақсад режаларининг нафасини олиб келади.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ: «Мерк» доринуослик компанияси Дорнштадт шаҳридаги унчалик катта бўлмаган дорихона манбаида вужудга келган, бу дорихонани Фридрих Яков Мерк 1668 йилда сотиб олган эди. Унинг меросхўри Генрих Эммануэл Меркнинг тадбиркорлиги ва куч-гайрати билан бу дорихонанинг лабораторияси кимёвий-доринуослик фабрикасига айланди, бу ерда ўша даврда маълум бўлган алкалоидларни ишлаб чиқариш билан бир қаторда дорилар тайёрлаш учун қаторда шифобахш ва қишлоқ бошлариди, орадан бироз вақт ўтган, тиббий дорини-доринларнинг ўзини ҳам тайёрлаш бошлашди. 1900 йилда компания деярли 10 минг номдаги ҳар хил дорилар ва кимёвий таркибий моддаларни тайёрлаб чиқара бошлади. Энг муҳими, бу маъсулларнинг тозалигига, сифатига алоҳида эътибор қилинди. 1927 йилда антамин доринларини янги гуруҳни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Уша йили Викатол, 1934 йилда — Цезбон дориларни чиқарди. Компаниянинг кимёвий лабораторияларида 50-60-йилларда сафдарган пигментлар ва суюқ кристаллар тадқиқоти бошланди. Аналитик кимё соҳасида «Мерк» хромографик усул тараққийга салмоқли хисса қўйди.

ШЕРИКЛИККА АСОСЛАНГАН БИЗНЕС

«Мерк» компанияси Ўзбекистон билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга қизикмоқда



Михаил Бартос Мерк компаниясининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдаги алоқаларига катта умид билан қарайди.

дирари, ақил ривожланишида нуқсонлар пайдо бўлади, кретинизмга сабаб бўлади. Бундай ҳолатдан ташвишланган ваколатхонамиз вакиллари республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, эндокринология институти ҳамда бу соҳадagi етакчи мутахассислар билан биргаликда профилактик тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқарди. Мерк компаниясининг хомийлик маблаглари УЗИ — сонограф аппарати ўрнатилган ва экспресс шаклида вазирилик ишхонаси берилди, мутахассислар унга ўтириб, бир қатор виллоятлари айланиб чиқилиб, минтақадаги бу хасталиқнинг тарқалиш хабарини тас-тас қилишди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан биргаликда Мерк компанияси «Янги тузилган болаларнинг скрининг патологияси» дастури-нини амалга оширишга қатнашди.



Райнер ОТТО: — Биз Ўзбекистоннинг фармацевтика бозори фол ривожлантирилганини тўқийдиган истордик.

Юқориди тилга олинган дастур доирасида фирма томонидан республикага 200 минг ДМдан кўпроқ микдорда инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Булар калксимсон безлар профилактикаси ва уларни да-волаш учун дорилар, калксимсон безларнинг гормонларини азуллик билан аниқлашга қўллангилдаги хазир тиллиларидир. Тўғма гипотироз хасталиғи аниқланганда «Мерк» ўз дорилари эвазига беморларнинг беғул даволанишини таъминлайди.

Мерк компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси фаолиятига назар ташлаб, бу салмоқли фирманинг минтақадаги бозорга кириб келиши стратегиясини аниқ таърифлаш мумкин. «Мерк» стратегиясининг энг устувор белгиси мақсаднинг қатъийлигидир. Компания дў келган майдонга ўзини ўрмайди, балки ўша-га мурофид объектни астойдил ва атрафлича ўрганади. «Мерк» аллақачон бор нарсани қайтадан тасвяс этиб ётмайди, балки зарур нарсани

вожлана бошлаб, янги иқтисодий муҳит тусини олаётган бўлинимизнинг иш таҳририятини ўрганиш мен учун қизиқарлидир. Компаниямизнинг Тошкентдаги ваколатхонаси фаолияти хусусидаги мақолавларимиз шарқона мулоза-мат деб тушунилмаслигини хоҳлар дедим. Чиндан ҳам М. Асарова қисқа фурсатда ушқоқ жамоани вужудга келтира олди, бу жамоа эса ҳар хил кўрғазмалар ва тақдимотлар ўткази билангина чекланиб қолгани йўқ. Тошкентнинг қўр ўртасидаги шинамгина офис митти илмий марказ тусини олди, бу марказда эндокринология, кардиология, неврология соҳаларида таалуғли маълумотлар йиғилиб, тартибга солинади. Уларни таҳлил этиб бир неча жиддий нуқталарни аниқлаб олишга имкон берди. Жумладан, Мерк компанияси калксимсон без касаллиги муаммоларидаги эътиборни қаратди. Организмдаги бу аэзонинг фаолиятидаги бузилишлар ҳайули оқибатларга олиб келади. Иоднинг етишмаслиги инсонни ўсишдан қол-

хоналарида 8000 кишидан кўпроқ одам ишлади. Унинг 46 мамлакатда жойлашган 147 та бўлимлари ва ваколатхона фирмаларида эса умуман 28 минг мутахассис меҳнат қилапти. Бугунги кунда «Мерк» доринуослик лаборатория ва иқтисодлаштирилган кимёвий тармоқларда 1500 дан ошмироқ номдаги хилма-хил махсулотларни чиқармоқда. Компаниянинг умумий айланма товари 8 миллиард ДМдан ошиб кетди. Жаҳон Бартосининг Ўзбекистонга тўрт кунлик ташрифи Соғлиқни сақлаш вазирлиги, илмий марказлар раҳбарлари, оддий шифокорлар ва доринуослар билан қилган урчушуларга боғ бўлди. Сўхбатлар давомида олган маълумотлар, назаримизда, меҳмоннинг минтақамизда ўз компанияси фаолиятини янада кенгайтириш имкониятлари мавжудлигига ишончини орттирди.

— Биз, табиийки, асоссиз жўшин ҳўлослардан тийилишимиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари борган сари ранг-баранг фикрлар минбарига айлиб бормоқда. Мисол учун, 1990 йилда республика бўйича жами 345 вақтли нашр чоп этилган бўлса, эндиликда улар сонин салкам 700 гага етди. 1990 йилда эса 274 газета босилган бўлиб, уларнинг деярли юз фоизи партия нашрлари эди.

Бугунги кунда салкам 500 гага ўқувчилар кўлига етиб бормоқда. Шундан 377 таси давлат ташкилотларига тааллуқли. Жамоат ташкилотларининг 74 наشري чоп этилмоқда, 4 сиёсий партия ўз нашрига эга. Шунингдек, 50 га яқин тижорат, реклама ва диний нашрлар босилмоқда. Ахборот агентликлари кўпайди, телестудиялар сони ортди.

Табиийки, сон кўрсаткичлари сифат кўрсаткичлари учун ҳам кенг имконият яратмоқда. «Хурият» газетасининг «Чоршанбадан чоршанбагача. Уқидингизми?» рункида эълон қилиб борилаётган ҳафтаинг турли нашрларда босилган энг яхши мақолалари, долзарб мавзулардаги шарҳлар, Телевидениенинг «Ахборот» кўрсатувидаги далиллик, жиддий мавзулар юзасидан турли кўри-нишларда ўтказилаётган мунозаралар, Радиоэшиттиришларга хос ранг-баранглик шулар жумласидан.

Булар — катта ишларнинг деб-босаси, холос. Бугун олдимизда ўзбек оммавий ахборот воситаларини жаҳон матбуотининг энг илгор ва замонавий андозаларига чиқариш, шу билан бирга миллий ўзига хос шакл ва мазмунни қарор топтиришдек муҳим вазифа турибди.

Ҳаёт бу муҳим вазифага оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни янада чуқурлаштириш ва ҳаётга танқидий-таҳлилий қарашни кучайтириш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва ҳаётга танқидий-таҳлилий маданиятни шакллантириш деганда нимани тушунаемиз?

● 1. — журналистик фаолиятнинг яратилган ҳуқуқий асосларидан самарали фойдаланиш;

● 2. — энг улуг, энг азиз неъмат — Мустақилликнинг истибод салтанати, ёт мафкура таъсирида ўзигидан маҳрум этилган Ватанимиз, халқимиз тақдирини тутган буюк ўрни, тарихий аҳамиятини яқин ўтмиш жоҳеалари ва халқимизнинг бугунги яратувчилик ишлари мисолида кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини тарбиялаш;

● 3. — янгиланган тарбиётчи бўлиш, Президент йўлбошчилигида мамлакатимизда кенг қўламда, барча соҳаларда амалга оширилаётган, бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий-демократик давлат қуришга қаратилган давлат сиёсати, туб ислохотлар мағзини тушуниш, моҳиятини очиб бериш, одамлар онгига етказиш;

● 4. — давлат ва жамият ўртасида холис воситачи, инсон ва жамият манфаатларининг фаол, жасур ҳимоятчиси бўлиш. Муаммолардан қочмаслик, чўчималик, аксинча қатъий жасорат, ўткир қалам, ёниқ сўз орқали камчиликларнинг туб сабабларини, уларни бартафат этиш йўллари аниқлаш ва бу масалаларда давлат ҳамда жамият эътиборини қаратиш;

● 5. — ислохотлар жараёнига фуқаролар, турли ижтимоий қатламларнинг муносабатини турлича ёндашувлар, ранг-баранг фикрлар воситасида чуқур ва таъсирчан ёритиш орқали ижтимоий фикрни шакллантириш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла амалга оширишга таъсир кўрсатиш;

● 6. — ижтимоий фикрни шакллантириш йўли билан юқори доираларда мамлакат ҳаётига дахлдор қарорлар қабул қилинишига, шу жумладан давлат қарорлари қабул қилинишига таъсир ўтказиш. Омма ҳукмига ҳавола этилган қарор лойиҳалари муҳокама-сига аҳоли турли қатламларини янада кенг жалб этиш, улар муносабатининг йодобчаси сифатида фаолият кўрсатиш.

● 7. — Президентимиз демократияга, жумладан матбуотга қўяётган уч талаб асосида журналистик тадқиқот мактабин яратиш.

Бунда кўзда тутилган **биринчи талаб** — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнидан қанчалик хабардор. **Иккинчи талаб** — қарорлар халқ томонидан қанчалик назорат қилинаётган. **Учинчи талаб** — оддий фуқаролар ижтимоий институтлар, жамоатчилик ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар фаолиятида қатнашиш орқали давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишти.

● 8. — иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий янгиланишлар «қозонида қайнаш», «воқеалар олдига юриш, Ўзбекистон ва жаҳон ОАВга мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар ҳақида холис ахборотни ўзимиз

биринчи бўлиб тарқатишга эришиш;

● 9. — бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ОАВни тўла иқтисодий эркинлик шароитига ўтказиш.

Ўнда қилиб айтганда, танқидий-таҳлилий маданиятни шакллантириш дегани — бу турмушга янгича муносабат, кун сайин ўзгариб, ри-вожланиб бораётган ҳаётдаги янгиланган мағзини тушуниш, улардан орқалда қолмаслик, эришилган натижалар таҳлилий инсон манфаатларини кўра олиш, масала моҳиятини турлича ёндашувлар орқали чуқур ва таъсирчан шаклларида ҳолис ёритиш демекдир.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига шундай мезонлардан ёндашсак, бир талай муаммолар, долзарб вазифалар мавжуд эканлиги маълум бўлади.

Биринчи муаммо — бу ҳаётга расмий кўз билан қараш. Ҳаётга расмий муносабат шўролар замонида мураккабликлари ҳаспўшлашга қаратилган, мафкура манфаатларига мос, журналист учун энг осон усул эди. Журналист йигиндан йи-

ётганимиз билан боғлиқ.

«Камчиликларнинг ўткир қалам билан очил керак. Лекин шахсан ўз жараҳатингни очиб бергандай ёзсанг одамлар тушунади». Президентимиз Ислам Каримовнинг миллатпарварлик, ватанпарварлик руҳидаги ушбу фикрлари журналистикага янгича қараш асоси, миллий журналистика тамойилларидан биридир.

Учинчи муаммо — оммавий ахборот воситаларидаги бир хиллик. Аввало, бир хиллик деганда журналистик нуқтаи назардан нима назарда тутилётганига аниқлик киритиб олиш лозим.

Етти йилдирки, мамлакатимизда барча соҳаларда босқичма-босқич туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги-янги фармонлар чиқарилмоқда, Қарорлар, Қонунлар ва бошқа муҳим давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Буларнинг ҳар бири ижтимоий ҳаётни янгилашга дахлдор. Аҳоли кенг-роқ қатламини қамраб олишни назарда тутиб, бундай муҳим ҳужжатлар бир вақтинг ўзида бир қанча газеталарда чоп этилаётганлиги мақ-

Демократик жараёнларнинг юрғи бўлган Президентлик институтининг аҳамиятини тарғиб этишда ҳам фаолият кўзга ташланса-да, масала моҳиятига чуқур кириб боришмайпти. Давлат раҳбари кўтарган масала, гоё, тақдир, янгиланган ҳақида жамоатчилик фикрини ўйғотиш юзасидан аниқ мисоллар асосида мақолалар уюштириш, таҳлилда изчиллик, мазмундорлик этишмайди.

Ижро ҳокимияти тизимига оид мавзулар умумий йўналишда, таркид услубида баён этилмоқда. Муаммо кўтариш, уни тўғридан-тўғри вазирликлар, идоралар раҳбарлари олдига қўйиш усулларидан етарли фойдаланилмайпти. Ихроия идораларнинг илгарти маъмурий буйруқ-бозил тизимидан фарқи ҳусусида қандам-кам сўз юритилади.

Шундай танқидий мулоҳазалар Телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларга ҳам тааллуқли.

Партия нашрлари ҳусусида. Бизнингча, бу нашрларнинг ўзига хос ташқи ва ички қиёфасини икки нарса белгилайди. **Биринчиси** — уларнинг турли партияларга ман-

ларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида бўлиб ўтаётган давра столи атрофидаги учрашувлар, семинарлар, турли мавзуларда ўтказилаётган танловлар маълум маънода ишларимизда ўнганлиш бўлишига олиб келмоқда. Лекин тахририятларнинг ўзларидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Соҳа журналистларининг ижодий мунозаралари, мутахассислар билан муайян мавзуда учрашувлар ўтказиш аксарият газеталарда ҳали йўлга қўйилмаган. Агар тахририятлар ўз ижодий фаолиятларида ҳафтада бир марта режалантириш, ҳафтада бир марта «лутучка» ўтказиш билан чекланиб қоларсалар, яна қандай ижодий ўсиш ҳақида гап бўлиши мумкин?

Тахрибадан маълумки, тахририятларда ҳафтанинг энг яхши мақола аниқлаб борилиши, кўзга кўринарли жойга осиб қўйилиши, юқори қалам ҳақи тўланиши, ибратли жиҳатлари юзасидан муҳокамалар ўтказилиши, муҳокамаларга журналистика факультетининг қўли қаламга келиб қолган талабалари, жамоатчи мухбирларнинг ҳам тақлиф этили-

Шу ўринда яна бир жиддий муаммога эътиборингизни қаратмоқчиман. Газетани газета қилдириш, ўқиниш бўлишини таъминлаш деган нарса бу унинг **ҳозир-жавоблиги, тезкорлиги** — воқеалар ҳақидаги ахборотни биринчи бўлиб беришга эришишдир. Афсуски, ўз ҳаётимизда рўй бераётган воқеалардан кўпинча биринчи бўлиб хорижий манбалар орқали хабардор бўляемиз. Бунга, бир томондан, мамлакатимиздаги ахборот берувчи масъул раҳбарларнинг янгича ҳаётга мослаша олмаётганликлари, иккинчи томондан, бош муҳаррирларнинг етарли даражада тахсилотчилик кўрсата олмаётганликлари, журъатсизликлари сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда бугунги **бош муҳаррир**, кенгрок маънода оммавий ахборот воситаларининг раҳбари ўзи қандай бўлиши керак, деган савол туғилади. Замон унга қандай талаблар қўймоқда?

Биринчидан, Ватан ва халқ манфаатларининг асл филойсини, тийрак сиёсатчи бўлиши;

Иккинчидан, бутун жамоани руҳлантирувчи, катта ишларга сафарбар эта олувчи **ташкilotчи** бўлиши;

Учинчидан, жамоасини ҳам бой қила олган, обуначилари сонини ҳам кўпайтира олган **тадбиркор** бўлиши талаб қилмоқда.

Агар бош муҳаррир бир қанча қонунлар қабул қилинганидан кейин («Ўзбекистон овози»), ёки муҳим дастурий ҳужжатлар эълон қилинганидан кейин («Халқ сўзи») «Қонун қабул қилиниши керак», «Дастур қабул қилиниши керак», дея мақола берса, газета биринчи саҳифасига муҳим ҳужжатнинг ямини бериб, «давоми иккинчи бетда» деб кўрсатса-ю, давомини беришни унутса («Правда Востока»), бундай бош муҳаррирни сиёсатчи дея оламизми?

Агар бош муҳаррир ходимларига ёниб турган мавзулар юзасидан аниқ топшириқ бериб, маромига етунича бош-қош бўлиб, уни газета саҳифасига олиб чиқишга етакчилик қилмаса, ўзи топшириқ олишга муҳтож бўлса, ўзидан чиқиб жиддий мавзуга қалам уришга журъат топмаса — бундай бош муҳаррир ташкilotчилигининг баҳоси қанча?

Агар бош муҳаррир реклама берувчиларни ўзига тарта олма, бор-йўғи ярим бет-бир бет реклама топиб, уни қўшимча саҳифа сифатида илова қилиш ўрнига обуначи пул тўлаган саҳифага жойлаб, шўринг қўргур обуначини керакли ахборотлардан маҳрум этса, бундай бош муҳаррирни тадбиркор деб бўладими?

Телевидениеда миллий руҳдаги кўрсатувлар, миллий кинолар орасига ярим яланғоч аёллар, ачомачом қилаётган ошиқ-мошиқлар тасвири туширилган рекламалар нечоғлик мувофиқ эканлигини қачон ўйлаб кўрамиз?

Замонавий ўзбек матбуотининг эртанги қиёфасини янгича дунёқараши руҳида тарбия топаётган ёшлар белгилайди. Шу жиҳатдан тахририятларга **ёш журналистларни мунтазам ва кенг жалб қилиш**, уларнинг ижодий қамол топши-ларини учун шарт-шароитлар яратиш, устоз-шогирдлик аънаваларини кучайтириш, журналистика факультетлари билан алоқани мустақамлаш катта аҳамият касб этади.

Афсуски, тахририятларимизда бу борадиги аҳвол қониқарсиз. Айрим тахририятларда ёшларни тарбиялаш заҳматидан қочиб, иккинчи бир тахририятдан баландроқ лавозим ёки юқорирак маош эвазига ходимлар олишдек номақбул усул қарор топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз марказий нашрларидagi журналистлар таркибининг бор йўғи 19,7 фоизини 30 ёшга, 21 фоизини 40 ёшга, салкам 60 фоизини эса 40 ёшдан юқори бўлганлар ташкил қилиши жиддий хавотир уйғотган.

Янада аниқроқ айтсак, 30 ёшга бўлганлар «Мазрифат»да 36 фоиз, «Туркистон»да 33 фоиз, «Халқ сўзи»да 17 фоиз, «Ўзбекистон овози»да 12 фоиз, «Қишлоқ ҳаёти»да 5 фоизини ташкил қилади. Шу ёшгача бўлганлар «Правда Востока», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида умуман йўқ. Токи ёшларни кенг жалб этимай туриб, газеталар саҳифаларига янгича нафас, янгича журъат олиб кириш қийин.

Янгиланиш замонида қалам тебратиш элим деб, юртим деб ёниб янаша иштиёқда бўлган қалам-кашга, журналистга ижодий жасорат учун бениҳоя улкан имконият. Бугунги журналист нафақат тарғиботчи, нафақат давлат ва жамият ўртасида холис воситачи, балки жаҳон тан олган мустақил мамлакатда, келажак буюк Ўзбекистонда йўлбошчимиз раҳномалиги ва халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан рўй бераётган тарихда кўрилмаган янгиланишларни, яратувчилик ишларини абадий муҳрлашга қодир солнамачидир!

Саъдулла ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти девони Ахборот
марказининг раҳбари.

ЭНГ СОДИҚ ДҲСТ, ЭНГ ЗАРУР ҲАМРОХ



финга, йигиндан раҳбар олдига борарди. Раҳбар тавсия этган «қаҳрамон» билан бирров учрашиб, кўп ҳолларда учрашиб ҳам ўтирмай маълумотларни «қўлга киритарди». Маълумотлар асосида мақола ёзарди. Яъни журналист ярим йўлдан қайтарди.

Афсуски, йигинларда қатнашиб, тайёр маълумотларга асосланиб, хонда ўтириб ёки телефон орқали факт тўплаб ёзилаётган мақолалар ҳозир ҳам оз эмас.

Халқнинг ичига кириб, оддий одамлар орасида бўлиб, жойлардаги янгиланишлар жараёни, қишлоқ меҳнаткашлари онгда, турмушда бўлаётган ўзгаришлар, уларнинг орзу-интилишларини, дарду тавишларини ҳақида ёзилган мақолалар ОАВдан етарлича ўрин олмаётти.

Президентимизнинг «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин» муносабати билан йўлдан таърифта айтилгандек, журналист «ҳаёт қозонида қайнаш», «воқеалар изидан юриши» керак эмасми?

Иккинчи муаммо — воқеаларга муносабатдаги бирқадамлик, кўп ҳолларда иккинчи томоннинг фикрини инобатга олмастик. Бу, айниқса, танқидий руҳдаги мақолаларда кўзга ташланмоқда.

Аввало «танқид» тушунчасининг ўзи бугунги ҳаёт тарзига эски либос билан мутлақо тўғри келмаслигини таъкидлаш жоиз. Шўро даврида бу сўз замирига сохта мафкура фоярларига садоқатни сақлаш учун кўрқитиш, камситиш, таҳқирлаш ва таъйиқ ўтказиш, оёқ ости қилиш мақсади оқланган эди.

Мустақил Ўзбекистон Бош қонунинда инсон шаъни муқаддас эканлиги муҳрланган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунда ҳам бу акс этган.

Бинобарин, бугунги танқид туб моҳиятига кўра, чуқур таҳлил демек. Журналистнинг мақсади катта-кичик камчиликларни матбуотга олиб чиқиш орқали кимнидир беобрў қилиш эмас, муаммоларнинг ижтимоий моҳиятини очиб беришдир. Бугунги журналист жасорати камчиликларнинг сабабларини аниқлаш, журналист тадқиқоти орзани қили жамоатчилик ёрдамида бундай нуқсонларни бартафат этишининг ҳаёти, аниқ йўллари топа олишдир. Бирон нарсани очиб айтиш дегани шу нарсани охиригача чуқур ўйлаш масъулияти дегани ҳамдир. Юртбошимиз камчиликлардан чўчималик кераклигини қайта-қайта таъкидлаб турибдилар. Ўз фаолиятимизга, ҳаётга танқидий кўз билан қарашни ОАВ аввало ўзида мужассамлаштириши ва шу орқали одамлар онгига шакллантириши лозим.

80-йилларнинг инсон шаънини таҳқирловчи танқиднинг ҳам, 90-йиллар бошидаги ўз миллатини камситишга қаратилган бемақсад ин-ститутлар, жамоатчилик ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар фаолиятида қатнашиш орқали давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишти.

салга мувофиқдир. Ва бунинг бир хилликда мутлақо алоқаси йўқ.

Бир хиллик деганда мен асосан газеталаримизни бир-биридан фарқ қилувчи изчил гоёга, йўналишга, қиёфага эга бўлиш йўлидаги оқсоқликларини, муҳим давлат ҳужжатлари юзасидан берилаётган шарҳлардаги юзаклик, фақат қуруқ эътирофдан иборат ўхшашликни назарда тутаман.

Бир хилликдан халос бўлишнинг муайян йўли — табиийки, газеталарнинг маълум соҳаларга мансублигини.

Иккинчи ва энг муҳим йўли — ҳаётини муаммоларни танлаш, мавзуларни ёритишдаги изчиллик, масалага ёндашув ва услубдаги ўзига хослик, яъни **усулбий ихтисослашшидир**.

Шу маънода, ҳукумат нашри бўлган «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» газеталарини олайлик. Очигини айтганда, бу нашрларимизни ҳали бошқалардан фарқ қилганидан услубий ўзига хосликка эришилди, дея олаймиш. Бизнингча бу — энг аввало, муаммолар салмоғи, қамрови билан боғлиқ. Яъни ҳар бир масала, энг аввало, ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан мамлакат миқёсида таҳлил қилиниши, ундан жиддий хулосалар чиқарилиши, фуқароларнинг давлат ва халқ ҳаётига оид фикр масалалар юзасидан ранг-баранг фикрлари айнаан шу нашрларда кенг, чуқур, юксак маҳорат билан ёритилиши лозим. Давлат бошқарувида, ишлаб чиқариш бошқарувида, маънавиятда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик жараёнлар, жумладан ҳуқуқлари ва ваколат доиралари тобора кенгайиб бораётган маҳаллий ҳокимликлар, ҳусусан вилоят ҳокимликларининг ислохотлар жараёнидаги ўрни, иштироки, вазифаси, ишлари, камчиликлари қиёсий таҳлиллар орқали айнаан ана шу газеталарда кенг акс этиши зарур эмасми?

Мазкур нашрларнинг бош муҳаррирлари бирон вилоят ҳокимлигининг ислохотлар жараёнидаги фаолияти танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан чуқур очиб берилган, эсла қолдирган, фикр-баҳс уйғотадиган, одамлар онгига таъсир этадиган фалон мақолааси фалон сонда чоп этилди, дея айта олмашимизми? Афсуски, йўқ! Бунинг ўрнига ҳисобот тариқасида босилган, фақат эътибордан иборат, кўп ҳолларда вилоят, туман газеталари кўламидagi мақолаларга, муаммоларга дуч келамиз.

сублиги. Турли партиялар бўлганда кейин, бир мақсад йўлида масалага ёндашувлари, вазифаларни ҳал этишга таъсир омиллари ҳам турлича бўлиши тақозо этилади. Лекин бу нарса мазкур нашрлар фаолиятида яққол сезилаётгани йўқ.

Иккинчиси, номлигани «Ўзбекистон овози»ми, бизнингча, биринчи вазифага уйғун равишда фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларга муносабати айнаан ана шу газеталарнинг таъриши керак. «Миллий тиклиниш» маънавиятининг бугунги қиёфасига таъсир кўрсата оладиган шакллари янада кучайтириши, «Ватан» тадбиркорлик ишларига эълор манфаатлари нуқтаи назардан ёндашув ажаблиб туриши, «Адолат» эса ҳуқуқий идоралар фаолиятига боғлиқ муаммолар билан чекланиб қолмай, оддий инсоний муносабатлардаги, турмушдаги шундай ҳолларнинг тадқиқот маркази даражасига кўтарилиши лозим.

Шу ўринда икки оғиз ёшлар нашрларини ҳусусида. «Туркистон»нинг муҳим ижтимоий масалаларини («Демократия сабоқлари») қамраб олишга интилаётгани яхши. Бироқ «Туркистон»да янги замон ёшларининг жўшқин овози, тоза нафас сезилмайди. Ёшлар ҳаётига оид муаммолар ҳусусида кўп ҳолларда катта ёшли муаллимлар фикр юритишади. Бу ҳам меъёрида бўлса маъқул. Аслида «Туркистон» ёшларининг чинакам маънода ўз минбарига айланиши, бугунги замон ёшлари ўз амалий ишлари, орзу интилишлари, муаммолари ҳусусида ўзлари баҳс очинлари лозим. Одамнинг ичини ҳеч қачон ўзидан бошқа унинг ўзичалик билган эмас. Бу фикрлар «Ёшлик», «Ёш куч» журналларига ҳам тегишли.

«Моладёж Ўзбекистон» ёшларининг, тўғрироғи, шаҳар ёшларининг қизиқликлари инобатга олаётгани эътиборга сазовор. Лекин шаҳар ёшлари, айниқса, қишлоқ ёшларининг бугунги ҳаёти чуқур ёритилаётгани йўқ.

Бир сўз билан айтганда, газеталар ихтисослашши, соҳа нашрлари эса тегишли тармок ичига янада чуқурроқ кириб боришлари — давр тақозоси. Нафақат нашрларнинг ўзи, балки журналистларнинг ихтисослашуви ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозир бу борда бирмунча ишлар йўлга қўйилди. Журналистларнинг мутахассислар билан ҳамкорлиги кўзга ташланмоқда. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармаси, Журналист-

ши ижодий рағбат уйғотгани, соғлом рақобат муҳитини яратгани.

Танқидий-таҳлилий қараш журналистнинг масалага ёндашувидаги асоси, унинг ўз ижодига ҳам тааллуқли. Бу — тўртинчи муаммо — **сўзга муносабат масаласидир**.

Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур иборасини эсланг: «ажиб бир тил пайдо бўляпти. Қаранг: «хашак» деб қўя қолмайди, албатта «дағал хашак» дейди. Жўҳориёва ёки кўкпоя демайди, албатта «яшил масса» дейди». Бу гаплар айтилганига чоррак асрдан ошди. Аммо шундай «Ижодий изланишлар» ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Ўзбек тилининг оддий қондалари бузилмоқда, маъно хиралашган ҳоллар, мантаний номувофиқликлар, бандларвож жумлалар учрайди. Айрим мисолларни келтираман. Фалон тонна «ғалла ишлаб чиқаришди», «Кўзлариди қайфиятнинг устуворлиги зоҳир»

(«Халқ сўзи»); «Томчилаб (томчилятиб) суғорин» («Халолланган (қўли ҳалолланган) боғлар» («Ўзбекистон овози»);

«Намунали хизмат». (сарлавҳа) «Ҳиссадорлик жамиятлари ходимлари ўтган йилни намунали якунлардилар», «...аҳолига намунали хизмат кўрсатди», «...аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда». («Қишлоқ ҳаёти»);

«Муносиб кутиб олмақдалар», «Ўз маҳоратларини муваффақият билан опирмоқдалар», «Муваффақият яли ҳал этилмоқда» («Туркистон»); «МДХ кубоғи (уйинлари) яқинлашмоқда», «Ярим тирик (чалажон ёки чала ўлик) қолди». («Ишонч»);

Бундай бандларвож, гализ жумлаларнинг 80-йиллардаги ҳайбаракалчаланиклдан нима фарқи бор?

Телевидениеда кейинги пайтларда бирмунча ижодий ўзгаришлар кўзга ташланаётган бўлса-да, тилда гализлик, бандларвожлик, сунъийлик ҳоллари ҳамон учраб турибди. Айниқса, муаллимларнинг, кўрсатув олиб борувчиларнинг шевадан бемалол фойдаланаётганликлари, сўзларни нотўғри талаффуз этаётганликлари телетомошабинларда эътироз уйғотмоқда.

Тилга бундай юзаси муносабатини бошқа нашрларда ҳам қузатиш мумкин.

Оммавий ахборот воситаларини эгизак кўрсатаётган муаммолардан яна бири **жанрлар масаласидир**. Журналистика тажрибасида 20 дан ортиқ жанр тури бор. Бизнинг газеталаримизда асосан тўрт жанр кўп учрайди.

